# Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№138 (8.567) ◆ 1994 йил 21 ноябрь, душанба ◆ Сотувда эркин нархда


## БУГУНГИ КУН НАФАСИ

### РЕСПУБЛИКАМИЗДА

• Бухоро вилояти ҳокимлиги 1995—2000 йилларда аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш дастурини қабул қилди. Ана шу дастурга мувофиқ шаҳар аҳолисининг 100 фоизи, қишлоқ аҳолисининг эса 75 фоизини яқин беш йил ичида сифатли ичимлик суви билан таъминлаш режалаштирилган.

• Тошкентда ўзбек-турк сармоядорлари уюшмасининг очилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Республикаси маданий-маърифий алоқалар халқаро уюшмасида Латвия Республикаси ташкил топганлигининг 76 йиллигига бағишланган учрашув ўтказилди.

• Пойтахт вилоятининг Бўка тумани пахтакорлари давлатга 40 минг 300 тоннадан ортиқ "оқ олтин" етказиб бериб, ўз зиммаларига олган топшириқни бажардилар.

• Республика Ўқитувчилар уйида ўтказилган "Математиклар куни"да таниқли олимлар, фан бўйича дарслик яратаётган муаллифлар, ўқитувчилар ва талабалар иштирок этишди. Унда математика фанининг тараққиёти ва истиқболи, яратилаётган янги дарсликлар ҳақида сўз борди.

• Тошкентда очилган ярмаркада республикадаги йигирмадан зиёд тўқимачилик корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар намойиш этилмоқда.

### ҲАМДЎСТЛИКДА

• Россия Президенти Борис Ельцин Москвада демократик зиёлиларнинг катта гуруҳи билан учрашди.

• Москва ҳукумати шаҳар саноат корхоналари чиқиндиларини йўқотиш ва уни қайта ишлаш муаммосини қараб чиқди. Маълумки, бундай чиқиндилар маиший чиқиндиларга қараганда икки баравар кўпдир.

• Номаълум жиноятчи томонидан қаттиқ жароҳатлантирилган Тожикистонда чиқадиган "Хақ сўз" газетасининг 39 ёшли бош муҳаррири Ҳамиджон Ҳакимов ҳушига келмасдан касалхонада вафот этди.

• Руз ва Волоколамск туманлари чегарасида очиқ осмон остида ҳайвонот боғи қурилмоқда. Бу ерга Марказий Осиё ва Сибирь жанубидан ҳайвонлар келтирилади.

### ХОРИЖДА

• Эрон ва Россия фан ва техника соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги битимни имзолади.

• Аргентина НАТОга кириш режасида. Шу мамлакат миллий конгрессининг делегацияси Вашингтонга Шимолий Атлантика блоки ассамблеясида қатнашиш учун жўнаб кетди.

• Америка — Хитой муносабатлари миллий қўмитаси директори Майк Лемптон Вашингтон ХХРга нисбатан жазо чораларидан қанчалик тез воз кечса, бундан Осиё-Тинч уммони минтақасида АҚШ манфаатлари шунча кўп фойда кўради, деди.

• 62 ёшли актёр Элизабет Тейлорнинг бойликлари 150 миллион доллар миқдорида баҳоланмоқда. Бундан ташқари Элизабет духилар тайёрлайди ва ишлаб чиқаради.

• Жанубий Африка Республикасида ўтказилган "Жаҳон гўзали—94" танловида ҳинд талабаси Айшваре Рай ғолиб чиқди.

## ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

17 ноябрь куни халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашига сайловлар бўйича шаҳар сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисни шаҳар сайлов комиссиясининг раиси Ғ. Б. Бухоров олиб борди. Комиссия аъзолари Тошкент шаҳар кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш, Тошкент шаҳар кенгаши депутатлигига номзод этиб кўрсатилганликлари муносабати билан айрим округ сайлов комиссияларининг раисларини ўзгартириш тўғрисидаги масалаларни қараб чиқдилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар бўйича округ сайлов комиссиялари раисларининг куни кеча бўлиб ўтган республика семинар-кенгаши мақсадлари, вазифалари ва якунлари тўғрисида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташкилий ва кадрлар иши бўлимининг мудири З. И. Асатов ахборот берди.

Мажлисда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгашининг биринчи котиби Л. Ё. Ғуломов ва "Ватан тараққиёти" партияси Тошкент шаҳар кенгашининг биринчи котиби Н. А. Халилов қатнашдилар.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ

# ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Сиёсий партиялар ва ҳокимият вакиллик органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни ва депутатликка номзодларнинг тегишли округлардан номзодлари овозга қўйилишига рози эканликлари тўғрисидаги аризаларини кўриб чиқиб, Марказий сайлов комиссияси

## ҚАРОР ҚИЛАДИ:

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11 ва 24-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Халқ демократик партияси, "Ватан тараққиёти" партиясининг юқори органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан Олий Мажлис депутатлигига кўрсатилган қуйидаги номзодлар рўйхатга олинсин:

| Сайлов округининг номланиши ва номери | Депутатликка номзодларнинг фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили | Партияга мансублиги | Иш жойи, эгаллаб турган лавозими | Турар жойи | Депутатликка номзод кўрсатган органнинг номи |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| **ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА** | | | | | | |
| 1-Саноат | **Каримов** Азиз Юнусович | 1946 | ЎзХДП | "Чевар" акционерлик жамияти раиси | Тошкент шаҳри | Ўзбекистон Халқ демократик партияси |
| | **Мансуров** Ортиқ Маҳмудович | 1936 | ЎзХДП | "Ўзкоммуналмашкомплект" ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори | Тошкент шаҳри | Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши |
| | **Рихсиев** Маҳкам | 1935 | "Ватан тараққиёти" | Ўзбекистон Телерадиокомпанияси сиёсий шарҳловчиси | Тошкент шаҳри | "Ватан тараққиёти" партияси |
| 2-Оқтепа | **Мусина** Рауза Идрисовна | 1943 | ЎзХДП | 3-стоматология поликлиникаси бош шифокори | Тошкент шаҳри | Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши |
| | **Темуров** Шукур-Салим | 1936 | ЎзХДП | Республика "Маҳалла" ҳайрия жамғармаси бошқаруви раиси | Тошкент шаҳри | Ўзбекистон Халқ демократик партияси |
| | **Халилов** Нуритдин Абазович | 1942 | "Ватан тараққиёти" | Тошкент киме-технология институти кафедра мудири | Тошкент шаҳри | "Ватан тараққиёти" партияси |
| 3-Акмал Икромов | **Алимов** Баҳодир Ғуломович | 1943 | ЎзХДП | Республика "Ўзсувқурилиштранс" бирлашмаси бош директори | Тошкент шаҳри | Ўзбекистон Халқ демократик партияси |
| | **Бозорбоев** Ёқуб Санобарович | 1940 | Партиясиз | Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари | Тошкент шаҳри | Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши |
| | **Иброҳимов** Неъматулло | 1945 | Партиясиз | Тошкент давлат шарқшунослик институти ректори | Тошкент шаҳри | "Ватан тараққиёти" партияси |
| 4-Бектемир | **Жўраев** Муродхон Каримович | 1952 | Партиясиз | Ўзбекистон тадбиркорлар уюшмаси раиси | Тошкент шаҳри | "Ватан тараққиёти" партияси |
| | **Пророков** Игорь Александрович | 1938 | ЎзХДП | Ихтисослаштирилган таъмирлаш ишлаб-чиқариш тажриба корхонаси марказий базасининг директори | Тошкент шаҳри | Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши |
| | **Қосимов** Ботир Маҳкамович | 1947 | ЎзХДП | "Узинтранс" халқаро юк ташиш қўшма автотранспорт корхонаси директори | Тошкент шаҳри | Ўзбекистон Халқ демократик партияси |
| 5-Дарҳон | **Ўразаев** Шавкат Закариевич | 1927 | Партиясиз | Ўзбекистон Республикаси Конституцион Суди раиси вазифасини бажарувчи, Тошкент Давлат юридик институти ректори | Тошкент шаҳри | Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши |
| | **Ҳикматуллаев** Неъмат | 1921 | ЎзХДП | "Ўзоғирсаноат" ижара корхонаси директори | Тошкент шаҳри | Ўзбекистон Халқ демократик партияси |
| 6-Улуғбек | **Джелилев** Эдем Муратович | 1951 | ЎзХДП | "Ўзқурилишмеханизация" бирлашмасига қарашли Тошкент тажриба экспериментал механика заводи директори | Тошкент шаҳри | Ўзбекистон Халқ демократик партияси |
| | **Комилов** Дилшод Аюбович | 1940 | "Ватан тараққиёти" | "Ватан тараққиёти" партияси Мирзо Улуғбек туман Кенгаши котиби | Тошкент шаҳри | "Ватан тараққиёти" партияси |
| | **Раҳмонқулов** Мирақбар Хожи-Акбарович | 1952 | ЎзХДП | Ўзбекистон Республикаси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ректорининг биринчи ўринбосари | Тошкент шаҳри | Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши |
| 7-Қорасув | **Акназаров** Фаррух Амирович | 1950 | ЎзХДП | Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш институти факультет декани | Тошкент шаҳри | Ўзбекистон Халқ демократик партияси |
| | **Халилов** Эркин Ҳамдамович | 1955 | ЎзХДП | Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи | Тошкент шаҳри | Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши |
| 8-Трактор-созлар | **Мирзиёев** Шавкат Миромонович | 1957 | ЎзХДП | Мирзо Улуғбек тумани ҳокими | Тошкент шаҳри | Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши |
| | **Пайзиев** Эрбўта | 1939 | "Ватан тараққиёти" | Энергетика ва автоматика институти лаборатория мудири | Тошкент шаҳри | "Ватан тараққиёти" партияси |
| | **Сартаев** Абдуғофир Мамажанович | 1955 | ЎзХДП | Тошкент 3-трамвай-троллейбус депоси бошлиғи | Тошкент шаҳри | Ўзбекистон Халқ демократик партияси |
| 9-Миробод | **Мартьянов** Михаил Зиновьевич | 1936 | ЎзХДП | Ўзбекистон темирйўллари машиналарини таъмирлаш ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори | Тошкент шаҳри | Ўзбекистон Халқ демократик партияси |
| | **Татеосов** Валерий Георгиевич | 1940 | ЎзХДП | "Фотон" ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, Тошкент электрон-техника заводи директори | Тошкент шаҳри | Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши |
| | **Турсунов** Бахтиёр Муҳамеджонович | 1946 | "Ватан тараққиёти" | Республика Кўчмас мулк ва хорижий сармоялар миллий агентлиги бош директори | Тошкент шаҳри | "Ватан тараққиёти" партияси |
| 10-Файзиобод | **Алимбекова** Дилдора Маҳмудовна | 1954 | Партиясиз | "Тадбиркораёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси раиси | Тошкент шаҳри | "Ватан тараққиёти" партияси |
| | **Алимбаев** Абдуманап Абдураимович | 1947 | ЎзХДП | "Ўзэлектроаппарат" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори | Тошкент шаҳри | Ўзбекистон Халқ демократик партияси |
| | **Маҳмудов** Абилқосим Нозимович | 1948 | ЎзХДП | Тошкент шаҳар йўл қурилиши ва таъмирлаш трестининг бошқарувчиси | Тошкент шаҳри | Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши |
| 11-Чуқурсой | **Абдураимов** Ҳотам Маҳкамович | 1950 | ЎзХДП | Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари | Тошкент шаҳри | Ўзбекистон Халқ демократик партияси |
| | **Назаров** Тўрабой Турсунович | 1955 | ЎзХДП | "Тошкент" мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори | Тошкент шаҳри | Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши |
| | **Шоюсупова** Ғолиба | 1931 | "Ватан тараққиёти" | Тошкент давлат университети кафедра мудири | Тошкент шаҳри | "Ватан тараққиёти" партияси |
| 12-Собир Раҳимов | **Пўлатов** Шуҳрат Йўлдошевич | 1950 | "Ватан тараққиёти" | "Наврўз" хайрия жамғармаси Тошкент вилоят бўлими раиси | Тошкент шаҳри | "Ватан тараққиёти" партияси |
| | **Содиқов** Абдужамил | 1942 | ЎзХДП | Ўзбекистон ва Малайзия нефтни қайта ишлаш қўшма корхонаси директори | Тошкент шаҳри | Ўзбекистон Халқ демократик партияси |
| | **Тўлаганов** Козим Носирович | 1949 | ЎзХДП | Тошкент шаҳар ҳокими | Тошкент шаҳри | Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши |
| 13-Қорақамиш | **Жўраев** Тўхтамурод Жўраевич | 1934 | Партиясиз | Тошкент давлат университети ректори | Тошкент шаҳри | Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши |
| | **Комилов** Камолиддин | 1949 | "Ватан тараққиёти" | "Миралишер" хусусий корхонаси директорининг ўринбосари | Тошкент шаҳри | "Ватан тараққиёти" партияси |
| | **Раҳматуллаев** Файзулла Нигматуллаевич | 1941 | ЎзХДП | Тошкент чинни заводи директори | Тошкент шаҳри | Ўзбекистон Халқ демократик партияси |
| 14-Сергели | **Азимова** Мукаррамхон Аҳадовна | 1952 | ЎзХДП | "Файз" давлат ҳиссадорлик мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори | Тошкент шаҳри | Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши |
| | **Йўлдошев** Ўраимжон | 1950 | "Ватан тараққиёти" | "Узсельхозбартерснаб" Республика бирлашмаси бош директори | Тошкент шаҳри | "Ватан тараққиёти" партияси |
| | **Юнусхўжаева** Муборак Йўлдошевна | 1933 | ЎзХДП | Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси | Тошкент шаҳри | Ўзбекистон Халқ демократик партияси |

(Давоми 2-бетда).

